

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2 июль куни давлат таширифи билан Боку шаҳрига келди.



Пойтахтдаги Ҳайдар Алиев номидаги аэропортида давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Якуб Аюбов ва бошқа расмийлар кутиб олди. “Зағулба” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қароргоҳ олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев самимий кутиб олди. Давлат мадҳиялари янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул давлат раҳбарлари олдида саф тортиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев тор доирада учрашув ва Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилишини ўтказдилар.

Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперация ва алмашинувларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз бу галги давлат таширифи ва Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг

30 йиллиги нишонланаётган йилда ўтаётганини алоҳида таъкидлади.

— Муносабатларимиз тарихда ҳеч қачон бугунгидек юксак даражада бўлмаган, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентлар кўп қиррали ҳамкорлик барча даражаларда жадал ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Кунги кеча Хива шаҳрида биринчи Парламентлараро форум бўлиб ўтди. Боқуда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Худудлар форуми самарали ўтди. Яқинда Андижонда илк бор ректорлар форуми ташкил этилиб, 60 дан ортиқ шартнома имзоланди. Озарбайжоннинг “Ширвон” ансамбли Хива бахшичилик фестивали гран-присини қўлга киритди.

Иқтисодий кооперация йилида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ошди. Лойиҳалар портфели 4 миллиард долларга етган. 300 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар ва худудлар даражасидаги амалий ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди. Халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўлаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмининг йилига 1 миллиард долларга етказиш имкониятлари атрофлича кўриб чиқилди. Саноат, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, банк ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган

алоҳида Кооперация дастури қабул қилинаётгани таъкидланди.

Қўшма инвестиция компанияси фаолиятини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Тадбиркорлар кенгаши ҳамда Саноат ва иқтисодий зоналар форуми каби ҳамкорликнинг янги форматлари қўлаб-қувватланди.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги шерикликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўрта йўлакни ривожлантиришда иштирок этиш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ушбу йўлак орқали ташилаётган Ўзбекистон юклари ҳажми 25 фоизга — 1 миллион тоннадан зиёдга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Бундан ташқари, жорий йил март ойидан бошлаб юк ташишда электрон рухсатномаларга ўтиш таъминланди.

Шунингдек, Европада электр энергиясини экспорт қилиш бўйича қўшма лойиҳани тайёрлашни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Дипломатик муносабатлар юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида томонлар жорий йилнинг кузида қатор қўшма маданий ва ёшлар тадбирларини ўтказишга қарор қилдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мажлисида Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари, транспорт, энергетика ва маданият вазирларининг музокаралар кун тартиби юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш якунлари бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Боку шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши қарорини қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Шу жумладан:

- Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани 2025-2029 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;
- Фан, касб-хунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;
- 2025-2026 йилларга мўлжалланган саноат кооперацияси дастури;
- 2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш дастури;
- 2025-2027 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси;
- 2025-2027 йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;
- Кемачилик ва кемасозлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;
- Тошкент вилояти ва Сумгаит шаҳри, Навоий ва Габола шаҳрлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги келишувлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар якунлари юзасидан фикр билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Ўзбекистон Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Озарбайжонда амалга оширилаётган кенг қўламли ангиланишлар ва мамлакат эришаётган юксак натижалардан чин дилдан хурсанд эканини таъкидлади.

— Сиз атангиз ва ҳар бир озарбайжонликнинг олган йўли озусини рўбга чиқардингиз — мамлакат ҳудудий яхлитлигини тикладдингиз. Қайтариб олинган худудларнинг иқтисодий ва инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича фаол иш олиб бораётиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Озарбайжон Ўзбекистоннинг ишончли иттифоқчиси ва стратегик шериги экани таъкидланди. Бизнинг мақсадларимиз, қарашларимиз ва интилишларимиз ўхшаш. Халқларимизни азалдан қардошлигимиз ва ўзаро ишончимиз асосини ташкил этаётган тарих, қадриятлар, тил ва маданият боғлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари бўлиб ўтган Олий давлатлараро кенаш иккинчи йиғилишининг самарали натижаларини, унинг якунида муҳим қарор ва келишувлар қабул қилинганини юксак баҳоладди.

Бу галги саммитга жиддий тайёргарлик кўрилгани таъкидланди. Биринчи Парламентлараро форум, Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, худудлар ва ректорлар форумлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани кенг қўламада амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро майдонда яқин алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзаро қўлаб-қувватлашни давом эттиришга қатъий интилиш таъкидланди. Қўлаб долзарб глобал ва минтақавий муаммолар бўйича позициялар мос келиши қайд этилди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон барча ўткир муаммо ва зиддиятларни фақат тинч йўл билан, дипломатик савб-ҳаракатлар орқали ҳал этиш тарафдори эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида икки томонлама савдо ва инвестициялар ҳажмининг яқин йилларда 1 миллиард долларга етказиш бўйича қўшма амалий чоралар кўришга келишиб олинди. Савдо ва кооперацияни рағбатлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинди.

Президентимиз таъкидлаганидек, амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорликнинг амалдаги форматлари кенгайтирилади ва янги форматлари йўлга қўйилади. Гап Тадбиркорлар кенгашининг тузиш ҳамда Саноат ва иқтисодий зоналар форумини ўтказиш ҳақида бормоқда.

Етакчилар транспорт жиҳатида ўзаро боғлиқликни кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратдилар. Бугунги кунда мамлакатларимизни боғлайдиган ва бошқа стратегик йўналишларга чиқиш имконини берадиган Ўрта йўлак фаол ривожланаётгани таъкидланди. Хусусан, баҳордан бошлаб ушбу йўлакда электрон рухсатномалар ишга туширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон юкларини ташиш ҳажми 25 фоизга ошди. Уларнинг йиллик ҳажми бир миллион тоннадан ортиди.

Европада “яшил” энергия экспорти бўйича қўшма лойиҳани илгари суришда эришилган ютуқлар қайд этилди.

Ўзбекистонда бўлажак “Озарбайжон” боғи ва ноёб “Sea Breeze” сайёхлик мажмуаси лойиҳалари фаол тайёрланаётгани таъкидланди.

Жорий йилда икки қардош мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланиши муносабати билан ушбу муҳим санага бағишланган йирик тадбирлар, концертлар ва ёшлар форумларини биргаликда ўтказишга келишиб олинди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари ҳамкорликка оид қўшма лойиҳа ва дастурларни қўлаб-қувватлаётгани учун озарбайжонлик ҳамкасбига миннатдорлик билдирди. Озарбайжонга бу галги давлат таширифи натижалари иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга, қардош мамлакатлар ва халқларнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат

таширифи доирасида Боку шаҳрида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Янги боғ пойтахтнинг нуфузли ва жадал ривожланаётган “Оқ шаҳар” мавзесидан ўрин олди.

Лойиҳага кўра, 4,5 гектар майдонда Ўзбекистоннинг бой маданияти ва анъаналарини намойиш этадиган улкан мажмуа барпо этилади.

Боғ ҳудудида юртимиз меъморий обидалари нусхалари, сайилҳоҳлар, яшил худудлар, меҳмонхона, турли хил савдо ва кўнгли очар масканлар ташкил этилади. Бинолар қурилиши ва безагига ўзбек миллий меъморчилиги анъаналари ҳамда нақшларидан фойдаланилади.

Маросимда икки давлат раҳбарлари биргаликда боғ пойдеворида раҳмий капсула қўйиб, ушбу муҳим лойиҳа қурилишини бошлаб бердилар.

Шундан сўнг мамлакатимизнинг Боку шаҳридаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президент Илҳом Алиев иштирок этдилар.

Етакчилар раъсий тасмани кесиб, дипломатик ваколатхонанинг янги биносини тантанали равишда очдилар.

Давлат раҳбарлари дипломатларнинг икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган самарали фаолияти учун яратилган шароитлар билан таниди.

Элчихона заллари Ўзбекистон ҳудудлари номи билан аталган. Президентимиз халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик раъсий сифатида заллардан бирига Қорабоғ номини беришни таклиф этди.

Яқинда Президентлар элчихонанинг Фахрий меҳмонлар китобига тилакларини ёзиб қолдирдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонга давлат таширифининг биринчи куни якунида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ҳамроҳлигида “Sea Breeze” дам олиш мажмуаси фаолияти билан таниди.

Ташриф чоғида Каспий денгизининг гарбий соҳилидаги ушбу йирик халқаро сайёхлик маркази фаолияти ҳақида тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига бу ерда яратилган шароитлар, дам олиш зоналари, пляжлар, спорт майдончалари, меҳмонхоналар, котежлар ва турар-жой мажмуалари ҳақида маълумот берилди.

Лойиҳа замонавий “Каспий ривъераси”-га айланган. Курорт қарийб 500 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда 6,5 километрик пляж зонаси, 150 гектар майдонда яшил худудлар ва дам олиш объектлари мавжуд бўлиб, 700 мингга яқин дарахт ва буталар экилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат таширифи давом этмоқда.

ЎЗА

ТИНЧЛИК ВА ОБОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ЁЗНИНГ БИРИНЧИ ОЙИ НИМАСИ БИЛАН ЁДИМИЗДА ҚОЛДИ?

Президентимизнинг июнь ойи иш фаолияти кўлами ва қамровини таҳлил қилган унча-мунча таҳлилчининг ҳам боши айланиб қолса керак. Бу қадар тинимсизлик ва узвийлик боиси — халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида ўзни фидо қилиш — юксак инсонийлик ҳамда раҳбарлик намунасини.

Июнь сарҳисоби



Июнь жуда катта тарихий воқеаларга бой бўлди. Табиат қонунига кўра, кунлар исий бошлаган бу паллада мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида

ҳам қайноқлик кузатилди. Ойнинг илк ҳафтасида мамлакатимиз мусулмонлари Қурбон ҳайитини нишонлади. Давлатимиз раҳбари байрам муносабати билан



Ўзбекистон халқига табрик йўлади. Унда “Бу байрамнинг инсонпарварлик, аҳилик, саховат ва олижаноблик каби фазилатлари юртимизда “Инсон қадри учун,

инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўлаб-қувватлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, қамбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурларимиз самарасини оширишга хизмат қилаётгани” алоҳида таъкидланди.

Яна бир қувончли воқеа — футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиёнинг энг кучли жамоалари иштирок этган ҳақон чемпионатида саралаш ўйинларида чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатди. Футболчиларимиз том маънода улкан ғалабага эришиб, Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани миллий футболимизда янги олтин саҳифани очиб берди. Шаҳарлар, узоқ қишлоғу овулларда спортсевар ва тинчликсевар халқимиз қалбига чинакам гурур туйғуларини жўш урди.

Давлатимиз раҳбари футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларига йўлаган табрикка юртимиздаги миллионлаб спорт мухлислари жўровоз бўлди. Миллий спортимиз соғломасидаги бундай ёрқин тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштирди, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тинчлигига айланди, янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширди.

➤ Давоми 3-бетда

ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ГЛОБАЛ ИҚЛИМ МУАММОЛАРИ ШАРОИТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК НАМУНАСINI КЎРСАТМОҚДА ОЗАРБАЙЖОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат таширифи арафасида ушбу мамлакатнинг етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истикболларига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинмоқда.



Хусусан, “525-газета” янгиликлар порталида Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Баҳром Ашрафхонев билан интервью эълон қилинди. Унда дипломат Озарбайжон билан

эришилган шериклик даражаси ва барча соҳалардаги ҳамкорлик ютуқлари ҳақида батафсил сўзлаб берган.

➤ Давоми 2-бетда

Таҳлил

Юртимиз бўйлаб ҳар ойнинг тўртинчи чоршанбасида “Автомобилсиз кун” акцияси ўтказилаётганига ҳам бир йилдан ошди. Ижтимоий лойиҳа Президентнинг тегишли фармони билан ўтган йилнинг март ойидан буён ташкил этиб келинмоқда. Ташаббусдан кўзланган мақсад ҳеч бўлмаганда ойда бир кун шахсий автомобилдан фойдаланмаслик орқали атроф-муҳитни асрашга ҳисса қўшишдир. Яъни шу кунни давлат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, барча фуқароларга шахсий автомашиналардан воз кечиб, жамоат транспортида ҳаракатланиш, пиеда юриш, велосипед ва экологик тоза бошқа ҳаракат воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Моҳиятан олиб қараганда, бу ташаббус ўзимиз учун, саломатлигимиз ва атроф-муҳитни асраш мақсадида илгари сурилипти. Демак, унда иштирок этиш ҳам ўзимизга фойда. Аммо фойда деганда айнан нима назарда тутилётганини тушунтириш орқали тарғиб этиш муҳим масала. Яъни санадан бир кун олдин “Эртага автомобилсиз кун” деган чорловнинг ўзи камлик қилади. Одамлар бу кун нима учун зарурлиги, шахсий автомобиллини уйда қолдириш орқали нимага ҳисса қўша олиши, уловлардан чиқаётган зарарли газлар атмосферага қанчалик зинён етказётгани ҳақида тасаввурга эга бўлсагина, томошабинга эмас, балки ташаббускорга айланади.

Гап ҳар ойда “Автомобилсиз кун” акцияси юртимизнинг барча ҳудудлари марказларида ўтказилаётгани, бироқ одамлар орасида етарлича оммалашмаётгани ҳақида борапти. Тадбир июнь ойининг тўртинчи чоршанбасида ҳам ўтказилди. Ҳар ҳолда акция ҳақидаги хабарларга кўзим тушди. Ўша кунни кўчаларни атай кўзатдим, аммо машиналар ҳаракати одатгаддек. Деярли сийраклашмаган, автоурағноҳлар ҳам уловлар билан тўла.

Тадбирга оид маълумотларни излаганимда, асосан, акция ўтказилиш санаси тўғрисидаги хабар ва унга илова қилинган тадбир мақсади ҳақидаги кичик изоҳни топдим. Бу хабар ҳар ойда бир хил такрорланади. Айтганча, буларга қўшимча тарзда ижтимоий тармоқларда турли идоралар раҳбарлари ва ходимлари акцияда иштирок этаётгани, ишга велосипед ёки пиеда келгани тўғрисидаги хабарлар ҳам чиқиб туради. Аммо акцияда қанча одам ташаббускор эмас (катта эҳтиом билан бунинг имкони йўқ, сабаби, бир йилдан буён тадбир ҳақида ҳар ой хабар берилади) ёки унда иштирок этишни аҳамиятсиз деб ҳисоблаймиз.

Бу акцияда ҳеч ким қатнашаётганини англатмайди. Бироқ натижа қўтилганидек эмас. Деярли ҳар ой шу санада қўпчилик атай шахар кўчаларини кузатади, “Бугун машиналар одатдагидан қанчалик камми?” деган мақсадда. Афсуски, кўчалар одатгаддек автомобиллар билан гажвум. Ёки ҳайдовчилар бу акция ҳақида хабардор эмас (катта эҳтиом билан бунинг имкони йўқ, сабаби, бир йилдан буён тадбир ҳақида ҳар ой хабар берилади) ёки унда иштирок этишни аҳамиятсиз деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий давлат мақоми барчага тенг имконият яратиши талаб этади. Янги Ўзбекистонда ислохотларнинг илк давридаёқ бунга жиддий қаралди. Хусусан, ногирон фуқароларга тўсиқсиз ҳаракат қилиши учун имкониятлар яратилляпти. Масалан, шахарларда кўзи ожизлар учун овозли светофорлар ўрнатилляпти. Улар йўлдан ўтишда махсус тугмани босади ва йўл очилганини овозли белгидан билади. Бу нафақат қулайлик, балки хавфсизлиكنи ҳам таъминлайди.

Ушбу ўзгаришлар термизлик Зухра Ҳасанова каби юртдошларимиз қалбида ишонч уйғотмоқда. 3.Ҳасанова мобил аравада ҳаракатланади. Шу боис, у пандуслар орқали жамоат жойларида бемалол кира олиши, шахарда эркин ҳаракатланаётганидан қувонади.

— Биз ҳам ҳаётда фаол бўлишни истаймиз. Қўлай муҳит — биз учун ишлаш, ўқиш, жамиятга фойдали бўлиш имкони демекдир, — дейди Зухра Ҳасанова. — Кейинги йилларда бу борада кўп ўзгаришлар бўлди. Аммо ҳали ҳам айрим муассасаларда мослашувлик тўлиқ таъминланмаган. Улар ҳам аста-секин ўзгаришига ишонаман.

Ҳа, бундан Термиз фақат тарих ва тамаддун маркази, жануб гавҳаригина эмас. Балки у инсон қадрини, тенгликни, меҳру муҳаббатни ўз кўчаларида намоён этаётган янги қиёфадаги шаҳардир. Инсон учун қулай, эркин ва хавфсиз муҳит яратиш мақсадида шахар инклизив ривожланиш йўлига қатъий қадам қўйди.



АВТОМОБИЛСИЗ КУН

ЎЗИМИЗ ТАШАББУСКОРГА АЙЛАНИШИМИЗ КЕРАК

Қандай бошланганди?

Исталган бир кунда шахсий автомобилни уйда қолдириб, кун давомида жамоат транспорти ёки велосипедда ҳаракатланиш, яқин масофада пиеда юриш орқали экологияга қанчалик фойда келтириш мумкинлиги ҳақида кўпчилик ўйлаб кўрмайди. Ваҳоланки, бугун экологик муаммоларнинг асосий омилларидан бири сифатида тилга олинаётган автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар атмосфера учун жиддий хавфга айланган. Кўчаларда автомашиналар кўпайиб, узундан узун тирбандликларни юзага келтираётгани вазиятни янада ёмонлаштиряпти. Бунга қарши биргина чора ёки ҳаракат билан курашиш амри маҳол. Аммо кичик-кичик ҳаракатларни умумлаштириб, катта ва қўтилган натижага эришиш мумкин.

Ёдингизда бўлса, 2018 йилда ҳукумат қарори билан “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот кун”ни ўтказиш бўйича дастур тасдиқланган эди. Унда Ўзбекистонда ҳар ойнинг учинчи жума кунинда “Автомобилсиз кун” акциясини ўтказиш белгиланган. Айни ўша йилнинг 21 сентябрь кунини маъмур тадбир юртимиз бўйлаб илк бор ташкиллаштирилди. Кейинчалик ҳам акция ҳақида бир неча бор эшитдик, аммо бу фақат тарғибот характериға эга бўлгани боис, унда иштирок этиш мажбурий бўлмаган. Унинг тарғиботчилари ҳам кўпроқ экофаоллар ва жамоатчилик вакиллари эди.

Президентимизнинг ўтган йил 21 февралдаги тегишли фармони билан эса ҳар ойнинг бир иш кунини давомида “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳасини амалга ошириш белгиланди. Кейинроқ акцияни ўтказиш учун ҳар ойнинг тўртинчи чоршанбаси танланди ва бугунга қадар мунтазам ўтказиб келиняпти. Мақсад соғлом турмуш тарзи тарғиботи, шунингдек, атроф-муҳитни автотомобиллардан чикувчи зарарли газлардан ҳимоя қилиш, катта шахарларда транспорт воситалари тирбандлигини камайтириш, жамоат транспорти тизимини ривожлантириш масалаларига жамоатчилик этиборини қаратишдан иборат.

Энди барча юртдошларимиз фаол иштирок этишга қатъиярётгани боиси ҳам шунда. Шу кунни одамлар шахсий автомобилни ўрнига жамоат транспорти, метро, велосипед каби атмосферага камроқ зарар етказадиган транспорт воситаларидан фойдаланишга



чорланган. Лойиҳа нисбатан тарғибот ҳам қилинмоқда. Амалдорлар, давлат ташкилотлари раҳбарлари шахсий намуна кўрсатиб, одамларда қизиқиш уйғотаётгандек. Аммо яна ўша гап, аҳолида ихтиёрий ташаббус, экологик маданият ҳамон суст. Лойиҳанинг аҳамиятини онгли равишда англаб етмас эканмиз, унинг фаол иштирокчисига айлана олмаймиз.

Тўғри, ижтимоий лойиҳа ихтиёрий аҳамиятга эга. Яъни қайсидир кунда шахсий автотомобилнингизни уйда қолдириб, пиеда юришга сизни ҳеч ким мажбурлай олмайд. Бироқ бу ташаббусни ўз ихтиёрингиз билан амалга оширсангиз қандай бўлади? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, биргина ҳаракат орқали шахар ҳавоси таркибидagi заҳарли газлар қанчалик қисқаришига ҳисса қўлишингиз мумкин?! Мен ана шулар ҳақида ўйлаб кўраман.

Экологик маданият сустрокдек...

Инсон қадри учун

ТЕНГЛИК, МЕҲРУ МУҲАББАТ ВА АДОЛАТГА АСОСЛАНГАН ЎЗГАРИШЛАР



улар қисман енгиллашди. Бошқалардан ёрдам кутмай, эркин ҳаракат қилиш имконига эга бўлди.

— Аввал кўчалардан ўтишга қийналардим. Светофорларда овозли сигнал бўлмаган, пиедалар йўлагини етишмасди. Шукр, энди ҳаммаси бошқача, Термиз ўзгаришти. Бундан кўнглимиз тоғдек ўсди, — дейди Бехруз Бозоров табассум билан.

Ногиронлар учун яратилган қулайлик, ҳар бир яхшилланган элемент фақат

ошиб борапти. Маълумотларга кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда 3 миллион 200 мингга яқин машина бўлган, бугунги кунга келиб, бу рақам деярли 5 миллионга етди. Тошкентда ҳар кун 1 миллионга яқин автомобиль ҳаракатланыпти.

Бу аҳоли турмуш даражаси ўсиб бораётганидан далолат экани қувонарли. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу тобора жиддий тус олаётган экологик муаммолар билан боғлиқ. Яъни автомашина қанча кўп бўлса, улардан чиқадиغان зарарли газларнинг атмосфера қатламига салбий таъсири шунча юқори бўлади. Бундай шароитда автотомобиллар сони иқтисодий ривожланиш билан бирга ўсиб боришига мослашган ҳолда экологик вазиятни яхшилашга эришиш асосий вазифалардан бирига айланган.

1885 йилда Карл Бенз томонидан биринчи бензин моторли автомобиль иختиро қилиниши инсониятнинг энг фойдали кашфиётларидан бири бўлганди. Узоғимизни яқин қиладиган автотранспорт воситалари вақт ўтган сари оммалашиб, одамлар учун энг қулай ва вақтни тежайдиган воситага айланди. Бугунги кунга келиб эса у ҳатто ҳашамат белгиси саналади.

Аммо кўпгина шахарларда автотомобилнинг фойдаси билан бирга зарари ҳам сезила бошлаган. Ҳатто уларга экологик муҳитни ёмонлаштиряётган асосий омиллардан бири сифатида қаралмоқда. Бу муаммо Тошкент

шаҳрида ҳам мавжуд ва пойтахтимизда тирбандликлар ошиб бораётгани кузатиляпти. Бу экологияга автотранспорт воситаларидан катта миқдорда зарарли газлар чиқаяпти дегани. Айниқса, халқаро сифат стандартларига жавоб бермайдиган ёнгли турулари атмосфера ҳавосини жиддий зарарлаётгани таҳлилларда ҳам кўрсатилляпти. Юртимизда 2026 йилга қадар Аи-80 маркали бензиндан тўлиқ воз кечиш талаби қўйилгани боиси шунда. Бундан ташқари, огир юк машиналари, ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошган автотомобиллар ҳамда Евро-4 стандартидан паст бўлган ёнлигини ишлатишнинг атроф-муҳитга зарарини камайтириш механизмлари ишлаб чиқиши айтилган. Қолаверса, пойтахтимизда жамоат транспортига устуник бериш, автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар ва йўллардаги тирбандликларни камайтиришга қаратилган аниқ вазифалар белгиланган.

Бу маълумотлардан хабардор киши “Автомобилсиз кун” лойиҳасига бефарқ бўла олмайд. Ҳеч бўлмаганда ойда бир марта шахсий автомобилдан воз кечиб, жамоат транспортида ҳаракатланиш орқали саломатлиги ҳамда экология хавфсизлигига ҳисса қўшади. Ижтимоий лойиҳанинг аҳамияти ҳам шунда. Аммо ҳар гал ижтимоий лойиҳада оддий аҳоли иштироки сустрок бўлаётганини тан олишимиз керак. Атрофингиздагилардан сабабини сўраб, гап қотсангиз, ҳар кимнинг ишонч билан келтирадиган бирор важи бор. Ҳеч бўлмаса, акцияда қатнашиш истаги бўлганини айтганига ҳам қувонасан киши. “Бунинг менга нима алоқаси бор, машина ўзимники, истаганимча фойдаланаман”, деса ҳам бирор гап айтолмайсиз. Бунинг барчаси бизга бир оз етишмаётган экологик маданият билан боғлиқ масала. Балки тарғибот етарлича бўлмаётгандир. Ҳар ҳолда кўчаларда тарғибот баннерлари, эълонлар кўзга ташланмайд.

— Очиги, ҳар гал “Автомобилсиз кун”да фаол фуқаролик позицияни намоён этиб, шахсий автотомобилни уйда қолдириб, ишга жамоат транспортида боришни мақсад қиламан, — дейди Нарғиза опа. — Аммо эрталабдан бирор зарур юмуш чиқиб туради, уларни машинада битирмасам, ишга кеч қоламан деган ҳаёлда режаларимни ўзгарираман. Шу боис, шахсий автомобилда юришимга тўғри келади. Аммо тез-тез пиеда ҳам юриб тураман, тоза ҳавода сайр қилишни

ёқтираман. Ижтимоий лойиҳага келсак, экологияни асрашимиз йўлидаги яхши ташаббуслардан бири деб ҳисоблайман ва кейинги сафар унда фаол иштирок этишни ўйлаганман. Умуман, бу ташаббусни ўзимиз ҳам ихтиёрий тарзда тез-тез қўллаб туришимиз лозим.

Асосий ташаббускор — ўзимиз

Ҳақ гап, ташаббусни шахсий амалиётимизга киритиб, тез-тез қўллаб туришимиз керак. Қўчага автомобилсиз чиқиш учун ҳар ойнинг чоршанбасини қўтиш шарт эмас. Уловлар узоғимизни қанчалик яқин қилмасин, саломатлигимиз ва экологик барқарорлик учун унга базан “дам” бериб туриш зарар қилмайди. Қолаверса, пиеда юриш соғлиқ учун фойдали, соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан бири.

Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, айнан пиеда юриш умрни узайтирувчи машғулот ҳисобланиб, америкалик олимлар ҳафтаига камиде беш марта, кунига 30 дақиқа яёв ҳаракатланишни тавсия қилади. Пиеда юришнинг қайфиятни кўтариш, организмнинг умумий ҳолатини яхшилаш, қон босими ва холестерин миқдорини меъёрлаштириш каби ижобий таъсирларини кўпчилик яхши билади. Хавфли касалликларга чалиниш кўрсаткичини камайтиради.

Яъни “Автомобилсиз кун” ижтимоий лойиҳаси бугун юртимизда фаол тарғиб қилинаётган соғлом турмуш тарзининг бир қисми ҳамдир. Хоҳ пиеда, хоҳ велосипедда ҳаракатланиш бўлсин, инсоннинг кун давомидаги жисмоний фаоллигини ошириб, организм фаоллигини яхшилади. Айниқса, кун давомида ўтириб ишлайдиган касб эгалари учун бу жуда фойдали. Қолаверса, шахримиз кўчаларида пиедалар учун ҳам, велосипед бошқарувчилар учун ҳам махсус йўлаклардан ташкил қилинган, шароит йўқлигини баҳона қилолмаймиз.

Олис манзилга қатнашда эса қулай, сифатли жамоат транспорти зарур бўлади. Яқин йилларга бу энг оғирлик нуқталаримиздан бири эди. Йиллар давомида бу йўналишга етарли эътибор қаратилмагани боис, аҳолининг жамоат транспортига ишончи билан бирга, фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам кескин тушиб кетганди. Аммо бугун жамоат транспорти изга тушиб олди, аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш, қамровини кенгайтириш бўйича жадал ишлар амалга оширилляпти.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда Тошкент шаҳрида автобуслар ҳаракат таркиблари сони 1400 тадан кўпроқни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, 1900 дан ошди. Авваллари автобуснинг ўзига кунига 400-500 минг атрофида йўловчи ташилган бўлса, бугунги кунда 1 миллион 400 мингдан ошди. Сўнгги икки йилда Тошкент шаҳрида автобуслар сони икки баробар, уларнинг ўртача снигми эса 75 фойз ошди. Жамоат транспортдан фойдаланувчилар сони икки баробар ошгани одамларнинг тизимга ишонч, ҳаракатланиш фаоллиги ортиб бораётганидан далолат.

Айниқса, шахримиз кўчаларида замонавий, экологик тоза электробуслар кўпайиб бораётганини кўпчилик ижобий баҳолаяпти. Ҳатто ана шу турдаги автобусларга қизиқиб, жамоат транспортдан фойдаланаётганлар бор. Бу турдаги транспорт воситалари, бир томондан, қулайлиги билан одамларни жалб қилса, бошқа жиҳатдан, саломатлик учун хавфсиз экани аксариятимизни қизиқтиради. Ана энди ўйлаб кўринг, ойда бир ўтказилаётган “Автомобилсиз кун” акцияси кўпроқ ким учун фойдали? Албатта, ўзимиз, саломатлигимиз ва биз нафас олаётган атмосфера қатлами учун. Шундай экан, ижтимоий лойиҳани чин маънода яхши анъанага айлантиришга ҳисса қўлишимиз керак.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

йўлакчалар ташкил қилинди. Ҳудуддаги чорраҳага жами 8 та овозли светофор жойлаштирилди.

Бундан ташқари, 2025 йилда Ат-Термизий кўчаси таллаб олиниб 2200 метр қисми мослаштирилмоқда. Ушбу ишлар вилоятнинг Денов, Шўрчи ва Ўзун туманларида ҳам олиб бориляпти. Кўзи оқизлар учун кўп қаватли уйларнинг йўлаклари ва лифтлари мослаштирилляпти.

Давлат ташкилотларининг кириш қисмида сариқ йўлаклар ва брайль алифбосида ёзилган бинонинг кўрсаткичи хариталари ўрнатилмоқда.

Жорий йил давлат дастури асосида шу йўналишдаги қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, 35 та умумтаълим мактаби, 27 та мактабга таълим объекти, 4 та соғлиқни сақлаш объекти, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва “Янги Ўзбекистон” массивининг бешта кўчаси лойиҳага киритилган. Унга кўра, бу жойларда ногирон шахслар учун қулай муҳит яратишга алоҳида техник қисм ишлаб чиқилди. Қурилиш таъмирлаш жараёни эса Тиббий-ижтимоий инспекциянинг вилоят бошқармаси томонидан тўла назорат қилинади.

Маълумот ўрнида, 2025 йилда Сурхондарё вилоятининг барча туман ва шахарларида биттадан намунавий “Ижтимоий кўча” ташкил этилади. Масалан, Денов туманидаги “Шароф Рашидов”, Қизилқум туманидаги “Мустақиллик” кўчаларида 2 минг километрдан ортиқ, Бойсун, Қумқўрғон, Термиз, Шеробод, Шўрчи каби туманларда эса минг километрдан кўпроқ кўчаларда таъмирлаш, мослаштириш ишлари олиб борилади.

Муҳтасар айтганда, инсон қадри — бу фақат назарий шиор эмас, бу — амалий ҳаракат, ҳақиқий ўзгариш, қалбдан чиққан эҳтиром. Тўсиқсиз муҳит — адолатли жамиятнинг белгисидир. Бугун инсондан инсонга қулай ҳаёт шароити яратилаётгани юртимизда “Янги Ўзбекистон” гоёаси тўлиқ ифодасини топаётганидан далолат бермоқда.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

6

2025 йил 3 июль, 135-сон

www.yuz.uz[f](#) [yuz.uznews](#)[yuz_official](#)[yuz.uz_news](#)[yuz](#)

Зомин семинари



ИЛҲОМ ИЗЛАГАН
ЮРАКЛАР КАРВОНИ



Фарида АФЎЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари
раиси ўринбосари

Мазкур маскан адабиётга, ёш ижодкор қалбига бўлган меҳр, ишонч ва истиқбол. Бу — Ватанимизда сўзга берилаётган юксак эътиборнинг рамзи. “Ил сайин бир макон бу қадар кўп юракни уйғотади, бир даргоҳ бу қадар юксак илҳом марказига айланиши мумкинми?”, десангиз, жавобим тайин: ҳа, агар бу макон — Зомин бўлса!

Бугун “Зомин” адабий семинарига 28 йил тўлди. Бу йил ҳам 7-9 июль кунлари, тоғлар бағрида яна шеър шабодаси эсади, яна сўзлар дард билан,



Кўни кеча мамлакатимизда Ёшлар кўни нишонланди. Бу байрам айни Зомин семинарининг маънавий самарасини, ижтимоий қадриятини яна бир бор ёритиб берди. Президентимиз томонидан Зомин семинарида “пишган” Ислон Эшниязов, Фахриёр Бахтиёр, Санжар Тошбеков, Қобилжон Шерматов каби ижодкорлар “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

қувонч билан, орзу билан қозоғга қўйилади. Мазкур сафарга ҳар йили бўлганидек, орзулари кўксига униб турган юзлаб ижодкорлар йўл олади.

Ушбу семинар 1997 йилда Президентимиз ташаббуси билан бошланган эди. Ушундан буён 3000 нафарга яқин ёш ижодкор кашф этилди, ғолибларнинг биринчи китоблари 10-20 минглаб нусхада чоп этилди. Бу эса, жаҳонда камдан-кам учрайдиган адабий эътирофдир. Ёш ижодкорлар орасида Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Мард ўғлон” ҳамда халқаро миқёсдаги кўплаб адабий танловлар ғолиблари чиқмади дейсиз?!

Кўни кеча мамлакатимизда Ёшлар кўни нишонланди. Бу байрам айни Зомин семинарининг маънавий самарасини, ижтимоий қадриятини яна бир бор ёритиб берди. Президентимиз томонидан Зомин семинарида “пишган” Ислон Эшниязов, Фахриёр Бахтиёр, Санжар Тошбеков, Қобилжон Шерматов каби ижодкорлар “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

Бу нафақат уларнинг индивидуал ютуғи, балки адабиёт мактаби сифатида Зомин семинарининг

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

орқали эмас, қалб билан ёзилади. Ҳар бир шеър, ҳар бир ғазал, ҳар бир монолоқ — Ватанга бўлган муҳаббат билан жаранглайди. Иштирокчилар она тилининг гўзаллигини қайтадан кашф этади, ўз-ўзига янада чуқуროқ аниқлайди. Бу ерда истиқлол маъноси — юрак билан ҳис этилади. Зомин — бу нафақат адабиёт, бу ватанпарварлик мактаби, қалбни, руҳни, тилни поклайдиган сабоқларнинг маскани. Ҳар бир семинар — янги давр, янги босқич. Бу йил ҳам тоғ бағрида юраклар учрашади. Сўзлар дардини топади. Адабиётга содиқ қалблар биргаликда ҳаёт ва санъат, халқ ва Ватан ҳақида гаплашади. Ва биз яна Зоминга қараб йўл оламиз. У ерда бизни яна ўша мусаффо тонглари, илҳомга тўла юраклар кутмоқда. Яна бир неча қалам соҳибни ўз овозини топишга яқин турибди.

Зомин — юрагимиздаги муқаддас макон. Бу юрак тўхтамагунча, Зомин илҳоми ҳам тўхтамайди.

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Туризм

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАР УЧУН
қулай манзил



Эркинжон БОТИРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Юртимизда 7300 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз бетақдор табиати, гўзал дам олиш масканлари имкониятидан фойдаланиб, янги туристик йўналишларни очиш мумкин. Мазкур соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 15 майдаги “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони туризм соҳасини иқтисодиётнинг муҳим стратегик тармоғи сифатида янада ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кескин ошириш, янги туризм объектиларини ташкил этиш, соҳадаги тадбиркорларни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда мавжуд иш ўринларини сақлаб қолишга қаратилган. Ушбу ҳужжатда 2025 йил якунига қадар туризм соҳасининг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилган. Жумладан, мамлакатда хориқлик 15,8 миллион сайёҳнинг сафарини ташкил этиш ва туризм хизматлари экспортини 4 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, ички туризмни ривожлантириш ҳисобига маҳаллий 40 миллион сайёҳнинг ҳудудларга сафарини уюштириш ҳамда қўшимча 378 та туроператор фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

2025 йил июндан бошлаб “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари “Оила ва жамоа билан саёҳатга чиқиш кўни” этиб белгилаб қўйилди.

Аксарият мамлакатлар, хусусан, бозор муносабатларига ўттиш давридаги минтақалар иқтисодиёти учун туризмни ривожлантириш миллий даромадни диверсификация қилиш, халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш ва ижтимоий тараққиётни рағбатлантиришнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Жойларда туризмнинг ривожланиши валюта оқимини кўпайтириш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг кенгайиши,


Туризм ҳозир дунё иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан. Ушбу йўналишда мақбул ва қулай шароитлар яратилса, мамлакатга катта даромад олиб келади. Шу йил 9 апрель кўни Президентимиз раислигида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан ўтказилган видеоселекторда сўнгги йилларда мамлакатимиз туризм экспорти 1,6 қарра ошиб, 3,5 миллиард долларга етгани қайд этилди. Бу соҳада 2000 дан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Мухими, ўтган йили хориқлик сайёҳлар оқими илк бор 10 миллионлик маррадан ўтди.

инфратузилма талаб даражасида яхшиланиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот ўсишига хизмат қилади. Туризм туфайли инфратузилма ривожланади, маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади ва даромади ортади. Хорижий тиллар, миллий мерос ҳамда қадриятларимизни билиш орқали аҳолининг маданий саводхонлиги юксалиб боради. Туризм миллий урф-одатлар, қадимий анъаналар ва ҳунармандчиликни сақлашга ёрдам бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Мамлакатимиз ҳар бир ҳудуднинг хориқлик сайёҳлар учун нечоғлик жозибадорлигини ҳис этган маҳаллий аҳолида ўз юртига қизиқиш янада ортади.

Туризмнинг фаол ривожланиши мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириб, имижини мустаҳкамлаш ва маданиятлараро алоқаларни яхшилашга ёрдам бериши билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жамият аъзоларининг экологик маданиятини ошириш ва табиат неъматларидан самарали фойдаланишга имкон беради. Сўнгги йилларда юртимизда миллий боғлар, кўриқхоналар яратиш ва экотуризмни ривожлантиришга

қаратилган саёй-ҳаракатлар тимсолида ҳам бунини қўриш мумкин.

Бундан ташқари, юртимиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Давлатимиз нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда сайёҳлик марказларидан бири сифатида эътироф этилади. Ўзбекистонда ўтмишнинг турли давларига хос ноёб тарихий-меъморий ансамбллар мавжуд бўлиб,



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
34972 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаххих: Малоҳат Минғобова

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:45 Топширилди — 01:15

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05